Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
18 сентябр,
жума
№ 37
(1123)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Самарқанд шаҳрида “Демократик тараққиётда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти: Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси” мавзусида Марказий Осиё фуқаролик жамияти форуми бўлиб ўтди.

Халқаро демократия куни муносабати билан ташкил этилган тадбир Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ташаббуси билан БМТ ҳамда мазкур ташкилот Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, “Юксалиш” ҳаракати, Прогрессив ислоҳотлар маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон аёллар ва қизлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Форум АҚШ, Канада, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Франция, Швеция, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидаги ақл марказларидан ташриф буюрган халқаро экспертлар, шунингдек, мамлакатимиздаги жамоат тузилмалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари – 200 нафарга яқин мутахассисни бир даврага жамлади.

Халқаро анжуманнинг очилиш сессиясида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази директори Азамат Пардаев, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Сабине Маҳл хоним, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Антти Карттунен, Олий Мажлис Сенатининг халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Агзамхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Гулруҳ Агзамова форумнинг мақсади ва ундан кутилаётган натижалар, бугунги кунда дунё мамлакатлари, хусусан Марказий Осиё давлатларидаги демократик ривожланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора ошиб бораётганини таъкидладилар.

– Ҳар йили Халқаро демократия куни доирасида демократиянинг замонавий ривожланиш тенденциялари ва долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, – деди Азамат Пардаев. – 2026 йилда мазкур сана “Инсон ҳуқуқларини диққат марказига олиб чиқиш” мавзуси остида ўтказилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги форумда ҳам асосий эътибор фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқларини, хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига қаратилмоқда. Ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари тажрибаси юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш кўзда тутилган.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, миграция жараёнлари, ахборот маконида ишончли ахборотни таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот ҳамда ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бундай шароитда демократик тараққиётни таъминлаш, ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтириш, аҳолининг қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур жараёнларда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини таъминлаш, инсон манфаатларини илгари суриш, аҳоли фикрини давлат органларига етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу маънода, замонавий демократик тараққиёт давлат бошқаруви органларининг очиқ ва ҳисобдор фаолияти, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ташаббускорлиги ва фаол иштироки билан узвий боғлиқ.

– Демократия одамларни тинглаш, ҳисобдорликни таъминлаш ҳамда фуқароларга уларнинг ҳаётини белгилайдиган қарорларни қабул қилиш жараёнида ҳақиқий овоз ва иштирок имкониятини бериш амалиёти ҳисобланади – дейди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори Антти Карттунен. – ЕХҲТ нуқтаи назаридан фуқаролик жамияти хавфсизликнинг ҳам муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хавфсизлик фақат низоларнинг олдини олиш эмас, балки инсонлар ўзларини ташвишга солаётган масалаларни эркин кўтариши, қарорларда иштирок этиши ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиши мумкин бўлган жамиятни барпо этишни ҳам англатади. Фуқаролар ва давлат институтлари ўртасидаги ишонч, мулоқот ва жамиятнинг турли қийинчиликларга бардошлилиги муҳим аҳамиятга эга. Кучли фуқаролик жамияти давлатни заифлаштирмайди, аксинча, фуқаролар тажрибасини давлат муассасалари фаолиятига олиб кириш, конструктив назорат ва ҳисобдорликни таъминлаш ҳамда ҳукуматларни халқ билан доимий алоқада бўлишга кўмаклашиш орқали уни мустаҳкамлайди.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамоатчилик билан мулоқотни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, инсон манфаатларини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш борасида муайян тажрибалар шаклланди.

– Демократик давлатни фақат қонунлар, институтлар ёки сайлов тизими билан тасаввур қилиб бўлмайди – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Гулруҳ Агзамова. – Демократиянинг ҳаётийлиги фуқароларнинг эркин фикр билдириши, давлат ишларида иштирок этиши, жамоат ташкилотларининг мустақил ташаббуси ва самарали жамоатчилик назорати билан белгиланади. Фуқаролик жамияти институтлари эса давлат ва жамият ўртасидаги муҳим кўприкдир.

(Давоми 2-бетда) ▶



● *Моҳият*

Ўзбек алифбоси: замон талаби ва миллий эҳтиёж

Кейинги йилларда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тили мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида фаол қўлланилмоқда, унинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.



Хорижий мамлакатларда ўзбек тилига алоҳида эътибор қаратилиб, уни ўрганишга бўлган қизиқиш кучаймоқда. Мана шундай шароитда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ва имло қоидаларини соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари асосида такомиллаштириш зарурияти юзага келди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

● *Шарҳ*



«Асосли гумон» (prima facie): тергов судьяси учун халқаро стандарт

Президентимиз томонидан 2026 йил 14 августда имзоланган “Одил судлов – 2030: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида”ги Фармон суд-ҳуқуқ тизимини 2030 йилгача ривожлантиришнинг стратегик ҳужжатидир. Фармон суд соҳасига тааллуқли кўплаб устувор мақсадларни ўзида қамраган.

(Давоми 3-бетда) ▶



Зафаржон ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси ўқитувчиси, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириб, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириб бормоқда.

Клаус Мангольд: «Ўзбекистон ўз тараққиётининг ўзига хос йўлини танлади»

Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва хорижий ҳамкорлар билан ишончли муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар халқаро доираларда ҳам эътироф этилмоқда.

Бу каби ўзгаришлар Ўзбекистоннинг Германия билан муносабатларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланиб, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрланаётган “Ўзбекистон – Германия: 35 йиллик тараққиёт ва ҳамкорлик” лойиҳасининг меҳмони – “Mangold Consulting GmbH” консалтинг компанияси раиси, таниқли немис иқтисодчиси, профессор Клаус Мангольд.

Лойиҳа доирасида профессор Клаус Мангольд Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли, иқтисодий салоҳияти ва халқаро майдондаги ўрни ҳақида ўз фикрларини билдирди:

– Аввало, Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 35 йиллиги билан чин юракдан табриклайман. Ўтган давр мобайнида мамлакат ўз тараққиётининг ўзига хос йўлини танлаб, жадал ривожланиш босқичини босиб ўтди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ҳалима Муҳитдинова таваллудининг 110 йиллигига

Инсон қадрига эҳтиром

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси одамларнинг кундалик турмушида, эртанги кунга ишончида ёрқин намоён бўлмоқда.

Айниқса, хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий салоҳиятини юзага чиқариши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун яратилаётган имкониятлар аёл қадрига муносабатни янги мазмун билан бойитмоқда.

Ана шу эътиборнинг маънавий давоми ўз даврида халқимизга садоқат билан хизмат қилган аёллар хотирасини эъзозлашда ҳам кўринади.



Уларнинг ибратли ҳаётини, кенг қамровли ва самарали фаолиятини чуқур ўрганиш орқали бугунги имкониятларнинг қадрини теранроқ англаймиз, ёшларимизга ишончли ҳаётий намуналарни тақдим этамиз.

Машҳур судья аёл, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Муҳитдинова таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланаётганини ана шу инсонпарвар сиёсатнинг амалдаги намунаси деб биламиз.

Бу мўътабар сиймо ҳақида ўйлаганда, аввало, бошқаларнинг қувончу ташвишларини ўзининг беғубор қалбига, юрагига яқин олган инсон қиёфаси кўз олдимизга келади.

Орадан йиллар ўтиб ҳам яқинлари, қишлоқдошлари ва шогирдлари уни меҳр билан эслашининг замирида ана шу инсоний муносабат ётибди. Эзгулик кўрган қалбнинг хотираси узоқ яшаши, шубҳасиз.

Ушбу ибратли умрнинг илк саҳифаларига назар ташласак, билимга интилган қизалоқнинг оғир турмуш синовларидан ўтиб бораётганини кўрамиз.

(Давоми 2-бетда) ▶



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Мен ойимларнинг дилларини оғриб, ичларига ютган дард, азоблари вулқондек отилиб чиққан дамни эсладим ҳозир. Одам эсласа, эсга тушаверар экан. Шундай, ойим ўзларини қўйиб юборган дамларини — дамнинг йигирмаларини ўтказган кунимиз кўрганман.

Одам кўп бўлди. Келди-кетди, тахминан, ўн-ўн яримларда тугади. Уйда қариндош-уруғлар, хизмат қилиб юрган қўни-қўшнилар қолди.

(Давоми 4-бетда) ▶

● *Оқлов*

Ишончли далиллар – қонуний ва адолатли қарор таянчи



Халқимиз соғлиқ учун кони фойда ҳисобланган маъданларга бой иссиқхона неъматларини ҳамиша севиб истеъмол қилади. Бухоролик Мелъс Сайидов ва унинг танишлари ака-ука Шомурод ҳамда Шариф Раҳмоновлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) анча йиллар муқаддам халқимизнинг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини замонавий ва хорижий технологияга асосланган янги иссиқхона мажмуаларини барпо этиш орқали қондиришни ният қилишганди.

Эзгу ният амалий ишларда ижобатини топди. Бир қатор иссиқхона мажмуалари буюртма асосида улар томонидан етказиб берилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Сафарлар ва ўзаро мулоқотлар чоғи орттирилган таниш-билишларнинг кўпи кейинчалик ҳамкор ва буюртмачига айланишди. Бу ҳолат Хоразм вилоятига сафар асносида ҳам намоён бўлди.

Шовот туманида истиқомат қилувчи ишбилармон ака-укалар – “Микрокредитбанк”нинг туман филиали бошлиғи Жамшид Исматов, маҳаллий кластер идораси раҳбари Рамил Исматов айни уларбоп ҳамкорлар бўлиб чиқди. Меҳмонлар ўзларини иссиқхона мажмуалари қуриш билан шуғулланувчи Жанубий Кореянинг нуфузли “SUN ENGINEERING Co LTD” компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили сифатида таништирди. Арзон нархда сифатли иссиқхона жиҳозларини етказиб бериш мажбуриятини зиммага олишди.

(Давоми 2-бетда) ▶



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Оиладаги етишмовчиликка қарамасдан ўқишга йўл излашнинг ўзи катта ирода талаб қиларди. Ҳалима опа эса, ўн тўрт ёшида муаллимлик қилиб, бошқаларга ҳам сабоқ бера бошлаган. Ўзи ўрганиш билан бирга ўзгаларни ўқитишга интилиш унинг ёшликдан шаклланган масъулиятини кўрсатади. Кейинги фаолиятининг маънавий илдизларини шу интилишдан излаш мумкин.

Илк муаллимлик тажрибаси кейинчалик одамлар тақдири учун жавобгар бўлган ҳуқуқшуноснинг камолотида муҳим ўрин тутган.

Ҳалима опа мисолида билим инсонни қандай улғайтиришини, ўз устида ишлаш уни катта вазифаларга тайёрлашини кўрамиз. Ўрганишга чанқоқлик умри давомида унга куч бағишлади.

Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган қизларимиз учун бу сабоқнинг қадри баланд. Ўқишга кириш, касб танлаш ёки масъул вазифани қабул қилиш арафасида айрим ёшларнинг ўз кучига ишончи етишмаслиги мумкин. Ана шундай пайтда Ҳалима Муҳитдинованинг босиб ўтган йўли унга маънавий мадад беради.

Ҳалима опанинг инсоний фазилатлари ёрдамга муҳтож кишилар ва тақдири оғир синовда қолган болаларга кўрсатган ғамхўрлигида, айниқса, равшан намоён бўлган. У ўзгаларнинг ташвишига шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгиллатиш чорасини излаган. Бундай муносабат масъулиятни зиммага олишга тайёрликдан туғилади. Бировнинг тақдирига дахлдорликни ҳис этган инсон учун амалий ёрдам кўрсатиш виждон эҳтиёжига айланади.

Унинг одил судлов йўлидаги меҳнатини ҳам инсон тақдирига ана шундай эътибордан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Судьянинг олдидаги иш жилдида кимнингдир узоқ йиллик ташвиши, ҳақиқат қарор топишига бўлган умиди мужассам. Қабул қилинадиган қарор унинг кейинги ҳаётига таъсир этади. Шунинг учун қонунни пухта билиш ва далилни синчиклаб ўрганиш касбий бурчнинг асосини ташкил қилади. Инсонни сабр билан тинглаш эса, бу бурчни чуқур ҳис этишга ёрдам беради.

Ҳалима Муҳитдинованинг маънавий мероси бугунги ҳуқуқшуносни ўз ваколатининг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида ўйлашга ундайди. Судьянинг холислиги, адолатлилиги, якуний хулосасининг асослилиги ва ўз қарори учун масъулияти одамларнинг адолатга ишончига бевосита дахлдор.

Билим ва малакасини виждонан қўллаш ҳар куни янгидан намоён этиладиган фазилатдир. У ҳар бир ишни диққат билан ўрганишда, шошма-шошарликка берилмасликда, ҳақиқатга содиқ қолишда ўз ифодасини топади.

Ҳалима опа яшаган даврнинг мураккабликларини инобатга олиш унинг хизматларини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Бу ҳаётни тарихий муҳит билан боғлаб ўрганар эканмиз, фидойиликнинг қадрини ҳис этамиз.

Ҳалима Муҳитдинованинг устозлик борасида ҳам ўзига хос ўрни бор. Ёшлигидан муаллимлик билан бошланган фаолияти ҳаётининг сўнгги даврларида ҳам ёшларга билим ва тажриба бериш билан давом этди. Суд тизимида орттирган тажрибасини бўлажак ҳуқуқшуносларга ўргатиш орқали у ўз меҳнатининг самарасини кенгайтирди. Устознинг бир умрлик изланиши шогирд учун касбни англаш, одамлар билан ишлаш ва масъулиятли қарор қабул қилишда маънавий таянч бўлиб қолади.

Устоз таъсирининг энг ишончли белгиси шогирднинг фаолиятида кўринади, албатта. У олган сабоғига амал қилиб, бир инсоннинг ҳуқуқини виждонан ҳимоя қилса, ўзидан кейинги ёш мутахассисга ҳам шу масъулиятни ўргатса, устозлик анъанаси давом этади.

Ҳалима опанинг ҳуқуқий мероси ҳақида сўз борганда, шогирдлар орқали авлодларга ўтадиган ана шу маънавий таъсирни назарда тутамиз. Инсон тажрибаси ўзгаларнинг меҳнатида қўлланиб, жамиятга наф келтириб боради.

Хотин-қизларнинг салоҳиятига ишонч билдириш ва уларнинг меҳнатини қадрлаш борасидаги бугунги эътиборни ҳам шу ҳаётий ибрат билан боғлаб англаш мумкин. Аёлга яратилган имконият унинг қобилиятини юзага чиқарса, фидойи аёллар ҳаётидан олинган сабоқ бу қобилиятни эл манфаатига йўналтиришга ундайди.

Қизларимиз Ҳалима Муҳитдинова тимсолида масъулиятли касбда ўз ўрнини топган, одамларга нафи теккан аёлни кўрадилар. Бу танишув уларнинг ўз келажаги ҳақида дадилроқ ўйлашига кўмаклашади.

Устоз таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан унинг жамият олдидаги хизматларини ёдга олиш ҳаётимизда инсоннинг фидойи меҳнатини эътироф этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яхши номнинг йиллар оша ардоқланиши ёш авлодга яшашнинг қадрини англатади.

Инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар ҳар биримизнинг кундалик ишимизда амалий натижа топади. Ҳалима Муҳитдинова ҳаётининг бугунги аҳамияти шундаки, у инсонга, жамиятга сидқидилдан хизмат қилишни фуқаролик масъулияти сифатида қабул этишга ўргатади. Унинг ибратидан баҳраманд бўлиш ўз фаолиятимизга ҳам талабчан қараш демакдир.

Холмамат ҲАСАНОВ,
Тошкент вилояти суди судьяси, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фуқаролик жамияти институтлари мустақил ва таъсирчан бўлиши учун уларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш зарур. Жамоатчилик назорати аниқ натижа бериши, фуқаролар ташаббуси эшитилиши ва жамоатчилик фикри қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши лозим. Кучли парламент ҳам жамиятдаги турли қараш ва манфаатларни ифода этиб, фуқаролик жамияти билан доимий мулоқот қилиши керак. Марказий Осиё давлатлари фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос моделларини шакллантирмоқда. Бироқ умумий мақсадлар – инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, давлат бошқарувининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини оширишдир. Фаол фуқаро, таъсирчан жамоатчилик ва масъулиятли фуқаролик жамияти – демократик тараққиётнинг муҳим шартидир.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Хусусан, “яшил” энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Оролбўйидаги экологик муаммолар ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни кучайтириш Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг муҳим устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳар бир мамлакатда мазкур йўналишларни амалга ошириш ўзига хос тарихий, миллий ва институционал хусусиятларга эга. Бу эса минтақада ўзаро тажриба алмашиш, умумий ёндашувларни муҳокама қилиш ва илғор амалиётларни кенг татбиқ этиш учун муҳим асос яратади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тажрибасини қиёсий ўрганиш, демократик тараққиётнинг умумий тенденцияларини аниқлаш, мавжуд масалаларни таҳлил қилиш ва истиқболли вазифаларни белгилаш форум муҳокамаларининг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Очилиш маросимидан сўнг форум ўз ишини “Халқчил бошқарув ва ижтимоий шериклик: ислоҳотларни амалга оширишнинг замонавий механизмлари”, “Инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли”, “Янги Ўзбекистон – Марказий Осиёда умумий тараққиёт ва яхши қўшничилик драйвери” мавзуларига бағишланган учта сессияда давом эттирди.

Сессиялар доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларида фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, экспертлар ва ННТлар тармоқларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақада фуқаролик жамияти институтлари учун доимий мулоқот платформаларини ривожлантириш, ижтимоий инновациялар ҳамда самарали ННТ амалиётларини оммалаштириш бўйича қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Таъкидлаш ўринлики, тадбирда иштирок этган хорижлик экспертлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот механизмларини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни алоҳида қайд этдилар.

Форум глобал миқёсда демократик институтлар олдида янги чақириқлар юзага келаётган бир шароитда Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ва жамият ўртасидаги очиқ мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини яна бир бор намоён этди.

Форум якунларига кўра, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажриба алмашинувини кенгайтириш ва минтақавий мулоқотни ривожлантиришга қаратилган резолюция қабул қилинди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Клаус Мангольд: «Ўзбекистон ўз тараққиётининг ўзига хос йўлини танлади»

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугун бу юрт юксалиш ва фаровонлик сари изчил одимлаётган, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган давлат сифатида намоён бўлмоқда. Энг қувонарлиси, бу натижаларга тинчлик ва барқарорликка асосланган тараққиёт йўли орқали эришилди. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатда фаровонлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этди.

Ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон ўз тараққиётининг ўзига хос йўлини изчил давом эттириш учун барча имкониятларини ишга солмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакат фуқаролари ўз юртида ўзларини бахтли ва фаровон ҳис қилмоқда, халқаро ҳамжамият эса юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқда.

Бундай натижалар, аввало, мамлакатда шаклланган иқтисодий муҳит ва унга бўлган ишонч билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай мамлакатда иқтисодиёт фақат юксак ишонч муҳитидагина барқарор ривожланиши мумкин. Иқтисодиёт ва ишонч бир-бирини тўлдириб, тараққиёт учун мустаҳкам замин яратади. Сўнгги йилларда ушбу ишонч Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил сиёсат натижасида янада мустаҳкамланди.

Барқарор ва ишончли иқтисодий муҳит эса мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун янги имкониятлар очади. Ўзбекистоннинг бундай салоҳияти жуда катта. Хомашё ресурслари, тўқимачилик, қурилиш ва автомобилсозлик мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, тўқимачилик соҳасида ўсиш имкониятлари юқори. Бироқ муваффақиятли иқтисодий сиёсатни фақат хомашё экспортига таяниб қуриб бўлмайди. Хомашёни саноат билан узвий боғлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва улар ўртасида қўшилган қиймат занжирини шакллантириш зарур. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириб, барқарор ўсиш учун мустаҳкам асос яратади.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги эса, ўз навбатида, инсон капиталига бевосита боғлиқ. Мамлакатнинг энг катта бойлиги – яхши таълим олган, билимли ва заковатли ёшлардир. Ўзбекистонда меҳнат бозорига кириб келаётган улкан ёшлар салоҳияти мавжуд. Шу боис саноатлаштириш жараёнини жадаллаштириш ғоят муҳим. Зеро, саноатнинг ривожланиши ёшлар учун муносиб иш ўринларини яратиш билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига ҳам хизмат қилади.

Инсон капитали ва иқтисодий салоҳият ҳақида сўз юритар эканман, Ўзбекистон билан боғлиқ шахсий тажрибамни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Тадбиркорлик фаолиятимнинг асосий даврини Ўзбекистонда бизнес юритиш билан ўтказдим. Шу боис мамлакатдаги ўзгаришларни нафақат кузатиб, балки уларнинг кўпчилигига бевосита гувоҳ бўлиб келмоқдаман. Бугун Ўзбекистон илгари кўпчилик эришиб бўлмайди деб ўйлаган натижаларга эришиб, ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил қадам ташлаётганини ўз кўзим билан кўриб турибман.

Бу ўзгаришларни мамлакатнинг турли ҳудудларида ҳам яққол кўриш мумкин. Нукус, Тошкент, Жиззах ва Андижон шаҳарларига борганимда аҳоли турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Бу ҳеч муболағасиз айни ҳақиқат. Бугун ўзбекистонликларнинг истаган русумдаги автомобилни харид қилиш имкониятига эга бўлаётгани, шаҳарлардаги сайилгоҳлар, ресторан ва кафеларнинг гавжумлиги жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан далолат беради. Эътиборлиси, бундай янгиланишлар фақат Тошкент ёки Самарқанд каби йирик шаҳарлардагина эмас, чекка ҳудуд ва қишлоқларда ҳам сезилмоқда. Менимча, бу ўзгаришларга сўнгги йилларда Президент бошчилигида шаклланган самарали давлат бошқаруви ва изчил ислоҳотлар тизими замин яратди.

Мамлакат ичидаги бундай ижобий ўзгаришлар, табиийки, унинг халқаро майдондаги мавқеига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Зеро, ишончли ва барқарор бошқарув тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Бугун Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва нуфузини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Илгари нисбатан чекланган ташқи алоқалар доирасида бўлган мамлакат бугун Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ўзаро манфаатли, конструктив ҳамда яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни изчил ривожлантирмоқда. Жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларнинг кенгайиб, Ўзбекистоннинг халқаро жараёнларга тобора фаол интеграциялашиб бораётгани мамлакатдаги барқарорлик, изчил тараққиёт ва ишончли ҳамкорлик муҳитининг муҳим кўрсаткичидир.

Мамлакат ҳаётида яққол сезилаётган бу жўшқинлик келгуси йилларда ҳам давом этишини чин дилдан истайман. Ўзбекистон ва унинг халқига барча жабҳаларда улкан муваффақиятлар тилайман. Эришилган ютуқлардан фахрланиш керак. Зеро, улар келажакда янада катта фаровонлик, тинчлик ва бахт учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Оқлов

Ишончли далиллар – қонуний

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур компания ҳамда ака-ука Ж. ва Р.Исматовлар таъсисчи бўлган “CHO’QLI AGRO INJINERING” масъулияти чекланган жамият ўртасида 2020 йил 14 июнда тузилган импорт шартномаси, шунингдек, “Микрокредитбанк”нинг Шовот филиали томонидан мазкур жамиятга Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) лойиҳаси ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан 2020 йил 20 июлда имзоланган кредит шартномаси бу борада эришилган аҳдлашувнинг мантиқий ифодаси бўлди. Бу маблағ эвазига Шовот туманида саҳни 5 гектардан иборат янги ва замонавий иссиқхонанинг ҳар бир гектарини 396 минг, бутун бошли мажмуани эса, 1 миллион 980 минг АҚШ доллари ҳисобига барпо этиш назарда тутилди.

Шартнома – кўзда тутилган жамики иш ва режаларнинг бош ҳуқуқий манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи. Галдаги вазифа унинг амалий ижросини таъминлаш, ҳуқуқий салоҳиятини намоён этишдан иборат. Буни қарангки, тез орада “SUN ENGINEERING Co LTD” компанияси зиммасидаги шартномавий мажбуриятларни бажаришга киришди. Мажмуа қурилиши билан боғлиқ асбоб-анжомларни компаниянинг Ўзбекистондаги расмий вакиллари Шомурод ва Шариф Раҳмоновлар ҳамда уларга кўмакдош бўлмиш Мелъс Сайидов орқали ўзининг хоразмлик мижозларига етказиб бериш тараддудини бошлади.

Бироқ бу пайтга келиб, буюртмачи тарафнинг қадамлари сустлашди. Асл мақсад эса, хиёл кейин ошкор бўлди. Сатҳи 5 гектардан иборат замонавий иссиқхона мажмуини бунёд этиш буюртмачи, хусусан, “CHO’QLI AGRO INJINERING” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси, айни пайтда “Микрокредитбанк” туман бўлими бошқарувчиси Жамшид Исматовнинг асл режалари қаторидан ўрин олмагани аён бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай эса, у импорт шартномасида кўзда тутилмаган таклифни илгари сурди.

Ўз муддаосини компаиня вакили Шомурод Раҳмоновга маълум қилиб, шартномадаги 5 гектар ўрнига 4 гектардан иборат иссиқхонанинг ўзи кифоя эканлиги, қолган 1 гектар майдон учун харжланиши мўлжалланган 396 минг доллар маблағни нақдлаштирган ҳолда қайтариб беришни сўради. Бунинг устига, шартномага хилоф бўлган бошқа бир талабни ҳам илгари сурди. Сатҳи озайтирилган ўша 4 гектарлик иссиқхонанинг ҳар гектари учун сарфланиши лозим бўлган 396 минг доллар ҳажмидаги маблағни ҳам кескин камайтириб, миқдорини 260 минг долларга тушириш, ушбу “тежамкорлик”дан ҳосил бўлган жами 520 минг доллар пулни нақдлаштирган ҳолда ўзига қайтаришни дангал таклиф қилди.

Аммо бу таклиф хорижлик ҳамкорга маъқул келмади. Бироқ кейинроқ у муайян шартлар эвазига бюртмачининг талабини қабул қилди. Компаниянинг Ўзбекистондаги вакили ва буюртмачилари таъминотчининг талаби ва ўртадаги ўзаро келишувга мувофиқ 2020 йил 14 июндаги импорт шартномаси матнини айнан шу сана ва шу рақам билан ўзгартириш: барпо этилажак иссиқхона майдони сатҳини 5 эмас, балки 4 гектар қилиб белгилашга муваффақ бўлди.

Бугина эмас, иссиқхонанинг ҳар бир гектари қурилиши учун сарфланиши зарур бўлган маблағ миқдорини бир йўла 136 минг долларга камайтириш йўлидаги “топқирлик” ҳам ўз “самараси”ни берди. Хорижий компаниянинг Ўзбекистондаги вакиллари ҳамда бюртмачи тарафга етказиб берилган ва ўртада талон-торож қилинган маблағнинг жами миқдори пировардида 580 минг доллар, умуман етказиб берилмаган ускуналар ва кўрсатилмасдан қолиб кетган хизматларнинг жами қиймати эса 1 миллион доллардан ҳам ошиб кетди.

Албатта, бу қилмиш изсиз кетмайди. Тергов органи томонидан рўй берган ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиб, суднинг ҳукмига ҳавола қилинди.

Энг ажабланарли ҳолат судгача бўлган ана шу жараёнда рўй берди. Тергов органи содир қилинган жиддий қонунбузарлик ҳаракати учун Бухоронинг Ромитан туманида туғилиб-ўсган, шу ерда яшаган ва ишлаган 50 ёшли Мельс Сайидовни жавобгар деб топди. Унинг қилмишини Жиноят кодексининг фирибгарликка оид 168-моддаси 4-қисми “а” банди, қалбакилаштиришга доир 228-моддаси 2-қисми “б” банди ҳамда шу модданинг 3-қисми билан малакалади.

Гумонланувчи ўз жиноий кирдикорини шериклари билан тил бириктирган ва гуруҳга уюшган ҳолда амалга оширганликда, 2020 йил 14 июнда расмийлаштирилган шартномани ўзбошимчалик билан ўзгартирганлик ва қалбакилаштирганликда, ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмаган мазкур ҳужжатни турли ташкилотларга тақдим этиб келганликда,

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимизнинг 2023 йил 5 июль куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви чоғида 30 йилдан буён ҳал этилмай келаётган долзарб масала – лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш борасидаги ташаббус илгари сурилганди. Шунингдек, Ўзбек тили байрами куни муносабати билан 2023 йил 21 октябрда Ўзбекистон Президентининг халқимизга йўллаган табригида алифбони такомиллаштиришга қаратилган тегишли қонун лойиҳасини соҳа мутахассислари иштирокида яна бир бор кўриб чиқиб, Олий Мажлис палаталарига киритиш вазифаси қўйилганди.

Шу асосда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги **“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Фанлар академияси томонидан бу борада тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бу ўринда, албатта, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”**ги қонун хусусида сўз бормоқда. Айни қонунга мувофиқ, **“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”**ги қонунга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш киритилмоқда.

Ушбу ислоҳот – шунчаки техник ўзгариш эмас. Бу – ўзбек тилининг табиатига, унинг сингармонизм (оҳангдошлик) қонуниятларига мос келадиган, “бир товуш – бир ҳарф” лингвистик тамойилига асосланган мукаммал алифбони қабул қилишдир.



ЎЗБЕК АЛИФБОСИ: замон талаби ва миллий эҳтиёж

Мазкур янги қонун қабул қилингач, давлат органлари ва ташкилотларининг қонун таҳрири асосида такомиллаштирилган ҳарфларнинг аввалги шакли мавжуд бўлган рамзий белгилари ва бошқа атрибутларидан, уларнинг биноларида акс эттирилган давлат гербининг бўртма тасвиридан, шунингдек, географик объектларнинг номлари туширилган пешлавҳа ва кўрсаткичлардан ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ашёлар ва манбалардан улар яроқсиз ҳолатга келиб қолгунига ёхуд ушбу қонуннинг ижросини амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурида белгиланган муддатга қадар фойдаланилади.

Янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнидаги илмий муҳокамаларда 1995 йилда қабул қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги айрим ҳарфлар билан боғлиқ мураккаблик ва ноқулайликлар илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди. Жумладан, бугунги кунда биргина Oʻ (Ў) ва Gʻ (Ғ) ҳарфларини компьютерда ёзиш учун 6 та амални бажариш талаб этилмоқда. Амалиётда бу ҳарфларнинг 10 дан зиёд шакли (O', O`, O’, Oʻ, O´, Ö, Õ, Ō, Ó, Ò, Ŏ, Ô) ишлатилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари ушбу ҳарфлар қатнашган сўзларни яхлит сўз сифатида қабул қилмаяпти. Натижада турли дастурлар ва луғатлар яратишда, умуман, ўзбек тилини рақамлаштиришда жиддий муаммолар юзага келмоқда.

Хусусан, амалдаги ўзбек алифбоси компьютер клавиатуралари, смартфонлар ва қидирув тизимлари (Google, Yandex) учун жуда ноқулай. Интернет қидирув тизимлари Oʻ ёки Gʻ белгиларини турли кодларда ҳар хил қабул қилиб, ўзбек тилидаги маълумотларни тўлиқ индекслай олмаяпти.

Шунингдек, Ch (Ч) ва Sh (Ш) ҳарфлари ўзбек тилида фаол товушлар ҳисобланади. Шу боис улар инглиз тилига нисбатан она тилимизда 3 – 5 баравар кўп учрайди.

Қолаверса, “Shoshilinch”, “xushchaqchaq”, “achchiqtosh” каби сўзларни кетма-кет келадиган “Ch”, “Sh” ҳарфлари орқали ёзишда ва ўқишда қийинчиликлар туғилмоқда.

Бу ҳарфлар имлода айрим чалкашликларга ҳам сабаб бўлади. Масалан, Ishoq (Исҳоқ), ashob (асҳоб) каби сўзларни “ишоқ”, “ашоб” тарзида нотўғри ёзиш ва ўқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундай ҳолатлар аҳолининг саводхонлик даражасига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Мутахассис-олимлар ушбу муаммоларга барҳам бериш учун миллий алифбомизни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича якуний хулосага келди.

Хусусан, алифбодаги 4 та муаммоли ҳарфни қуйидаги шаклда ифодалаш якдиллик билан илмий, тарихий, амалий жиҳатдан энг мақбул ечим сифатида эътироф этилди, таклиф этилаётган ушбу ҳарфлар:

Ş, Ç (Ш, Ч) – албан, курд, озарбайжон, румин, татар, турк, туркман;

Ğ (Ғ) – озарбайжон, турк, қрим-татар;

Ö (Ў) – венгер, исланд, немис, озарбайжон, турк, туркман, фин ҳамда швед алифболарида қўлланилади.



> **Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун хусусида сўз бормоқда. Айни қонунга мувофиқ, “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш киритилмоқда.**

Ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ва имло қоидаларини янада такомиллаштиришга ҳамда давлат тилини қўллаш ва рақамлаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусан, янги яхлит ҳарфларнинг жорий этилиши дастурчиларимиз учун миллий клавиатураларни, матнни нутққа айлантирувчи (Text-to-Speech) сунъий интеллект моделларини яратишни 3 баробар тезлаштиради.

Янги алифбо халқаро ISO стандартларига тўлиқ мос келади. Демакки, фуқароларимизнинг халқаро ҳужжат юритишини ҳам енгиллаштиради.

Лотин ёзувидаги туркий тилли давлатлар (Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон) билан алифбовий яқинлик маданий, илмий ва иқтисодий алоқаларни кучайтиради, китоб алмашинуви ва таржима жараёнларини осонлаштиради.

Қисқа қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши – Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатлари йўлида сиёсий ва маданий жиҳатдан нақадар қатъий эканини амалда яна бир намоён этди. Бинобарин, бу ислоҳот фақат бугунги кун учун эмас, балки келажак авлодларимизнинг саводли ва ўз тили билан фахрланадиган бўлиб улғайиши учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Улардан бугунги кунда 300 миллион нафар одам фойдаланади.

Шунингдек, амалдаги алифбода алоҳида ҳарф сифатида берилган “ng” сўз бошида келмагани ва ҳарфлар бирикмаси бўлгани учун уни алифбо таркибидан чиқариш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шуни ҳам айтиш керакки, янги қонун қабул қилингач, “ng” ҳарфлар бирикмаси, унинг қўлланилиши ва ўқилиши имло қоидаларида акс эттирилади.

Мазкур янги қонун қабул қилингач, давлат органлари ва ташкилотларининг қонун таҳрири асосида такомиллаштирилган ҳарфларнинг аввалги шакли мавжуд бўлган рамзий белгилари ва бошқа атрибутларидан, уларнинг биноларида акс эттирилган давлат гербининг бўртма тасвиридан, шунингдек, географик объектларнинг номлари туширилган пешлавҳа ва кўрсаткичлардан ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ашёлар ва манбалардан улар яроқсиз ҳолатга келиб қолгунига ёхуд ушбу қонуннинг ижросини амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурида белгиланган муддатга қадар фойдаланилади.

Айтиш керакки, янги қонун лотин

Шарҳ

«Асосли гумон» (prima facie): тергов судьяси учун халқаро стандарт



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳужжат олтита устувор йўналиш – **“халқчил суд”**, **“адолат қўрғони”**, **“кафолатланган адолат”**, **“адолат посбонлари”**, **“рақамли одил судлов”** ва **“халқаро эътироф”** асосида суд тизимини тубдан янгилашга қаратилган. Ўз навбатида, буларнинг барчаси моҳият-эътибори билан суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва жамият ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Фармонда “асосли гумон” (Prima Facie) халқаро стандарти биринчи марта миллий қонунчилик даражасида расман эътироф этилди. Айни халқаро стандартни жорий этиш муддати 2027 йил 1 июль деб белгиланди.

Шу вақтгача бу тушунча фақат илмий-назарий муҳокамаларда кўриб чиқилганини биламиз. Эндиликда тергов судьяси процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун асосларнинг етарлилигини “prima facie” стандарти асосида текшириши, зарур пайтда, тергов сирини таъминлаган ҳолда қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш ваколатига эга бўлади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, “prima facie” ўзи нима, бугунги кунда ҳуқуқшунослар кўп гапираётган бу атама нимани англатади?

Лотинча “биринчи қарашда” маъносини англатувчи бу атама умумий ҳуқуқ тизимида анча илгари шаклланган. Яъни агар тарафлардан бири олдиндан белгиланган элементлар бўйича етарли далил тақдим этса, иш “асосланган” деб топилади.

Халқаро жиноят суди Рим Статутида бу тамойил уч босқичли тизимга бўлинган. Бу ўринда:

жиноят иши қўзғатиш учун – “оқилона асос” (reasonable basis);

шахсни ушлаб туриш учун – “ишонишга асос берувчи далиллар” (reasonable grounds to believe), бу Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 5-моддасидаги “асосли гумон” стандартига тенг;

айбловни тасдиқлаш, яъни ҳукм чиқариш учун эса “жиддий асосли ишонч” (substantial grounds to believe) босқичлари ҳақида сўз бормоқда.

Европа конвенциясининг 5-моддаси 1-банди “с” кичик бандига кўра, шахс фақат жиноят содир этганлиги тўғрисида асосли гумон мавжуд бўлган ҳолларда ушлаб турилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан берилган тушунтиришда “асосли гумон” – холис кузатувчини ишонтира оладиган объектив маълумотлар мавжудлиги демакдир, лекин бу айбдорликни исботлашга етарли эмас, деб уқтирилган.

Халқаро тажрибадан миллий жиноят процесси учун “prima facie”нинг қуйидаги босқичма-босқич моделини ўзлаштириш таклиф этилмоқда: иш қўзғатиш ва ушлаб туриш босқичида – “асосли гумон”; қамоққа олишда – "эҳтимоллар мувозанати"; айблов эълон қилишда – терговчининг барқарор ички ишончи; ҳукм чиқаришда эса – “ҳар қандай оқилона шубҳадан ҳоли” даража талаб этилади.

Тергов судьяси “асосли гумон”ни текширар экан, шахснинг айбдорлигини эмас, балки унинг жиноятга алоқадорлигини кўрсатувчи дастлабки далиллар мажмуини баҳолайди. Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сон қарорида бу жараён тартибга солинган, яъни илтимоснома муддати тугашидан 8 соат олдин тақдим этилиши, зарур ҳолда далил тақдим этиш учун ушлаб туриш муддати 48 соатгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд назорати амалиётида бу модель икки босқичли баҳолаш тизимига асосланади: аввало “асосли гумон”нинг ўзи, сўнгра ундан алоҳида бўлган ҳолатлар, яъни булар терговдан ёки суддан яширинiши, гувоҳларга таъсир ўтказиш каби умумий хавфлар аниқ далиллар билан баҳоланади.

Хавф мавжудлигининг ўзи автоматик равишда қамоққа олишни танлашга асос бўла олмайди – суд ҳар бир ҳолатда шахсга нисбатан енгилроқ чора (гаров ёки уй қамоғи) қўллаш мумкинлигини алоҳида муҳокама қилиши шарт.

Халқаро амалиётда “асосли гумон” стандарти, одатда, қонун матнида эмас, балки судлар (айниқса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди) прецедентлари орқали йиллар давомида шаклланиб борган. Халқаро жиноят суди Рим Статутида ҳам “асосли гумон” стандарти алоҳида таърифланмаган, балки уч босқичли далиллилик тизими орқали билвосита мустаҳкамланган.

Ўз навбатида, “prima facie” тушунчасининг бевосита Фармон билан, аниқ муддат ва ваколатлар кўрсатилган ҳолда жорий этилиши тергов судьяси институтининг келгуси ислоҳотлари учун норматив-ҳуқуқий пойдеворга айланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг яна бир муҳим тамойилига кўра, дастлабки қамоққа олишда “асосли гумон” етарли бўлса-да, вақт ўтиши билан бунинг ўзи шахсни қамоқда сақлашни давом эттириш учун етарли бўлмай қолади. Муддатни узайтиришда судья дастлабки асосларни такрорлаш ўрнига терговнинг ҳозирги ҳолати ва янги, аниқ ҳолатларни аниқлаши лозим.

Мухтасар айтганда, “асосли гумон” стандарти халқаро судлар амалиётида синовдан ўтган, назарий жиҳатдан пухта асосланган воситадир. Уни Ўзбекистон жиноят процессига тўғри, мутаносиб тарзда жорий этиш тергов судьяси суд назоратининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

ва адолатли қарор таянчи

пул ювиш ва Хоразмдаги иссиқхона қурилиши учун паст нархли, сифатсиз ва ҳатто яроқсиз ускуналарни “хўжа кўрсин” учун номигагина олиб келиш билан боғлиқ жараёнларда фаол қатнашганликда, умумий қиймати 1 миллион 38 минг АҚШ долларига тенг бўлган бир қанча жиҳозларни етказиб бермаганликда, хизмат кўрсатиш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликда, айрим жиноий қилмишларга воситачилик қилганликда, буюртмачиларни ёлғон ваъдалар билан алдаганликда айбланди.

Аммо гумонланувчи бу айбларни тан олмади. Айни пайтда, ўзини ҳимоя қилган ҳолда айбни ўзгалар устига ағдаришни ҳам лозим топмади. Бироқ суд мажлисида масаланинг жамики мавҳум ва пинҳоналигича қолиб келаётган жиҳатларини очиқ-ойдин ошкор этишга жазм қилди.

Суд у томонидан тақдим қилинган ва томонлардан Ж.Исматов, Ш.Раҳмонов ва ўзи иштирокида Бухоро шаҳрида бўлган ўзаро учрашув чоғи ёзиб олинган аудиоёзувни эътибор билан тинглади. Ҳожиржлик ҳамкор тарафидан етказиб берилган 554 минг доллар миқдордаги нақдлаштирилган пул маблағи буюртмачи Ж.Исматов томонидан нақд ҳолда қабул қилиб олинганини тасдиқловчи жонли овоз жиддий муҳокамага сабаб бўлди.



Бу ҳолатни Ж.Исматовнинг ўзи турлича баҳоналар билан изохлаган бўлса-да, аммо аудиоёзувдаги овоз ўзига тегишли эканлигини инкор этмади. Шу юзадан экспертиза тайинлашни ҳам сўрамади.

Шу тариқа амалга оширилган олди-берди жараёнларида М.Сайидов умуман иштирок этмаганини, содир бўлган воқеаларга бор-йўғи гувоҳ бўлганига оид асл ҳақиқат юзага қалқиб чиқди. Ш.Раҳмоновнинг бу ҳақда баён этган ва аудиотасмага жо бўлган жонли овози шубҳага ўрин қолдирмади.

Судланувчи томонидан судга тақдим қилинган бу дастак уни айбдан халос этиш йўлидаги ишончли далилга айланди.

Судда кўрсатма берган бошқа бир қатор гувоҳлар ҳам М.Сайидовни айбдан холи шахс сифатида эътироф қилдилар. Жумладан, содир бўлган воқеаларга дахлдор шахс, “Гурлан пахта тозалаш” очиқ акциядорлик жамияти ҳуқуқшуноси Ф.Ражабов М.Сайидовни танимаслиги, уни умуман кўрмаганлигини баён этган бўлса, хорижий корхонанинг бухоролик вакили Ш.Раҳмонов тергов жараёнида судланувчи шахс Шовотдаги иссиқхона қурилиши билан боғлиқ ҳолатда ҳеч қандай манфаат кўрмагани, нақдлаштирилган пулдан улуш олмагани, шартномавий муносабатларда қатнашмагани, хизмат сафарлари чоғи ҳамроҳлик қилгани, ака-укаларга қарашли оилавий корхонада оддий ишчи вазифасида фаолият юритганини маълум қилди.

Суд бу ҳолатларнинг барини инобатга олди.

Судланувчи М.Сайидов ушбу асосларга кўра, Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари бўйича тергов органи тарафидан қўйилган барча айблардан халос этилди. У томонидан содир қилинган ҳаракатларда жиноят аломатлари мавжуд бўлмагани боис Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тўлиқ оқланди.

Унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинди ва суд залидан озодлика чиқарилди. Айни пайтда М.Сайидовга Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддаларига асосан ўзига етказилган мулкий зарарни қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини бартараф этиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ушбу жиноят иши юзасидан бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо берилиши юзасидан жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувга ажратиб олинган. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тергов бўлимлари, албатта, ўзининг ҳуқуқий баҳосини беради.

Мамлакатимиз қонунчилигидаги адолат, одиллик, эркинлик, дахлсизлик ва ҳақиқат тамойили шу тариқа яна тантана қилди.

Иномжон ШАРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани суди раиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ойимнинг таклифлари билан ҳаммани айвонга ўтказиб, ош едирдик. Мен бир лаган ош олиб, ойимларнинг ўзларини қидира бошладим. Албатта, ярим кечадан бери ҳеч нарса татимаганлар, ҳатто чой ҳам ичмаганлар. Тахмин билан катта хонага, дадам қазо қилган хонага кирсам, дадамларнинг устунларига тухумсимон ялтироқ темир қопланган кроватларида қўлларини иякларига тираб ўтирибдилар. Хаёл сурсалар, қайғули ўйларга берилиб кетсалар, кўпинча шундай ўтирардилар.

— Ойи, бир ошам ош еб олинг, — дедим лаганни олдиларига қўйиб. — Жуда ширин ош бўлибди.

Ойим бошларини кўтариб, менга тикилдилар. Аввал, назаримда, танимадилар, гапимни ҳам эшитмадилар. Аммо таниб, енгил жилмайдилар.

— Майли. Ўзинг ҳам ўтир. Бирга еймиз.

Рўпаларига ўтирдим. Ўзлари гўштни кичкина қўллари билан тўғрадилар.

— Ол.

Мен уларни кутдим.

Кичкина ошамни тугиб, оғизларига олиб бордилар, аммо емадилар, қайтадан лаганнинг четига тўкдилар-да, ўкириб йиғлаб юбордилар. Ўзимни йўқотиб қўйдим, чунки бундай аҳволда уларни биринчи марта кўришим эди.

Бир пасда хонага қариндошларимиз киришди. Тўрга тахмон тагига жой қилиб, ётқиздик. Кимдир, Зуҳра келинойим бўлсалар керак, бир пас холи қўяйлик, ухласинлар, деб, ҳаммамизни чиқариб юбордилар.

Афтидан, дадам ўлган кундан бери ойим ташвишлар, килинадиган ишлар билан бўлиб кўнгилларига эрк беролмаган эдилар. Бугун, дадамнинг биринчи катта маъракалари ўтиб бўлганидан кейин бўшашиб, ўзларини қўйиб юборган эдилар.

Дадам билан ойим бир-бирларини гапсиз ҳам англай оладиган, бир-бирларига қандайдир ички ҳурматлари улуғ одамлар эди.

— Сиз ҳам эрингиз билан ҳеч уришасизми? — сўрашарди баъзи қўшни аёллар.

Ойим кулардилар.

— Ичимда, — дердилар кулги аралаш.

60-йилларнинг бошида, ниҳоят, эски ҳовлимиз бузиладиган бўлди. Бутун Саперная кўчасидаги иморатлар олиб ташланиб, ўрнига меҳмонхона, авиакасса, йўл тушадиган бўлди.

Албатта, кўпдан бери гап бўлиб

Тарих тилсимлари

ҚИЗИМГА мактублар

келаётган шу ишларни сокинлик, тартиб билан, ҳеч кимнинг дилини оғритмасдан қилиш мумкин эди. Аммо бизда ҳеч қачон бундай қилишган эмас. Уйимиз ҳам тўсатдан, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, тўполон билан бузила бошланди.

Мен ишда эдим. Опам телефон қилиб қолдилар.

— Келоласанми? Уйни бузишвотти!..

Ўша заҳотиёқ уйга югурдим.

Келсам, томда тарақ-туруқ қилиб, беш-олтита одам юрибди. Опанг билан биз турган хонани бузиб бўлишибди. Шиферлари ҳар қаерда синиб ётибди. Катта уйимизнинг оқ тунука билан ёпилган томини уч-тўрт киши қайси томондан бузишни мўлжаллаётган экан. Ойим супада иякларини қўллари орасига олиб, қорайиб ўтирибдилар. Мени кўриб, бошларини кўтардилар.

— Қара! Ҳар куни радиоингдан мақтаётган ҳукуматинг нима қилаётганини кўр! Одамми бу уйда ўтирганлар, ҳайвонми — уларга барибир!

Мен томдагиларга «Тўхтанглар! Ахир, ҳамма нарсани вайрон қиляпсизлар-ку?!» — деб бақирдим. Битта ҳам одам қулоқ солгани йўқ.

Шунда аҳмоқона фикр миямга келди. Ёнимда Ғофуржон аканинг мен тенги ўғли, раҳматли Усмон турган эди.

— Юр! — дедим унга ва кўчага отилдим.

У билан район партия комитетининг биринчи секретари қабулхонасига кириб бордик. Ўшанда райкомнинг биринчи секретари Соцев деган одам эди. Усмон билан унинг кабинетига кирганимизда у бизни душманинг болаларидек қабул қилди.

— Бузишаётган бўлса, тўғри қилишяпти. Аллақачон бузилиши керак эди у жойлар. Ҳаммага участка берилди. Яна нима керак? Жўналаринг! Иккинчи бу ерга келмаларинг!

Мен унинг гапларини тахминан ёзаяпман. Аммо у бундан ҳам қўпол гаплашган эди. Унинг қандай бизга қараганини тасаввур ҳам қилолмайсан. Гўё олдида иккита ҳозиргина катта гуноҳ иш қилиб қўлга тушган безори тургандек эди.

Биз шалвираб уйга қайтдик.

Масалани ойимнинг ўзлари ҳал қилдилар. Тўғрироғи, пул ҳал қилди.

Райкомдаги гапни айтиб берганимиздан кейин ойим бирдан ўзгариб кетдилар. Илгариги ишчанликлари пайдо бўлиб, дарҳол ўчоққа олов ёкдилар, самоварга ўт ташладилар.

— Ҳой! Тушинглар! Бир пиёладан иссиқ чой ичиб олинглар! — деб қичқирдилар томдагиларга. — Қоринларинг ҳам очгандир? Тухум қовуриб бераман.

Томдагилар шу заҳотиёқ пастга тушишди.

Ойим супага жой қилдилар. Ҳаммаларини ўтқазиб, олдиларига нон, қаймоқ қўйдилар. Иккита-иккитадан тухум қовуриб келдилар, ишчилар индамай ичишди, ейишди.

— Материаллар ҳали яхши экан. Ёғочлари ҳам. Устунлар тарақлаб турибди. Тунука ҳам. Секин бузиб олиш керак эди... — деди улардан кимдир.

Ойим худди шуни кутиб тургандек, юз сўмми, юз эллик сўмми, пулни хонтахта четига қўйдилар.

— Барака топинглар, уринтирмасдан бузиб, тахлаб беринглар. Участкага олиб бориб берсангиз, яна ҳурсанд қиламан.

Уларга шу керак эди. Райком, ижроқўмсиз, пул билан уйни авайлаб ускуналарни уринтирмасдан бузиб олдик. Мевазордаги амманг, амакинг турган уйнинг ярмидан кўпи, даставвал солинган иморатлар эски ҳовлидан олиб келинган эски уйимизнинг ёғоч-ускуналари, ғиштларидан кўтарилган. Томдаги оқ тунука ҳам, эски уйимизнинг тунукаси.

Кўчириб олишга, одиллик билан айтиш керак, ижроқўм машина берди. Вақтинча Чилонзордаги ғишт уйлардан уч хонали квартира ажратилди. Уйимизни уч ярим минг сўмга баҳолаб, ойимларнинг номларига ўтказди. Албатта, жуда кам пул ажратган эди. Лекин қаёққа шикоят қилиб борасан? Райкомгами? Ўша Соцевга ўхшаган амалдорларнинг олдигами? Ҳеч қаерга бормадик, борига барака, деб янги уйни қуришга тушдик.

Ҳозирги биз турган уйнинг ҳовлига қараган ярмини бир уй, ошхона, айвонни хусусий грек бригадаси кўтарган эди. Улар фақат пул олардилар. Овқат талаб қилмасди. Мен ўшаларни қидириб топдим. Ойим, опам, сингилларим, укам биргалашиб тузган уй режасини, яъни тўрт хона, бир дахлизли уй режасини уларга кўрсатдик. Икки минг сўмга иморатни кўтариб, тунукагача олиб боришадиган, эшик, ромларни ўрнатиб берадиган бўлишди.

Эски уйдан йигирма мингга яқин ғишт бутун чиқди. Бари-бир яна ўн беш минг ғишт олишга тўғри келди. Бир ярим ойда иморат кўтарилди. Эски уй бузилаётгандаги алам, ташвишлар унутилгандек бўлди. Лекин барибир, доғи юракда қолди.

(Давоми келгуси сонда)



Жиноят ва жазо

Ажал оғуси

ёки бир инсон тақдири, оила изтироби ва оғриқли сабоқ

Четдан қараганда, Жавлон Худойназаровнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳаёти бошқа тенгқурларининикидан деярли фарқ қилмайди. Мактабни тугатиб, олий таълим даргоҳида таҳсил олган, сўнг нуфузли муассасада ишлаган, оила қурган. Кейинчалик эса, савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Аммо кейинчалик нимадир бўлдию, Ж.Худойназаров тўғри йўлдан адашди, кутилмаганда, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қила бошлади; аввалига оз-оздан, сўнг эса, бутунлай ружу қўйди. Бу иллат домига тушгач, табиийки, ҳаёти буткул издан чиқди. Аниқроқ айтганда, у гиёҳвандфуришлар билан алоқага киришди, алоқа савдога, савдо эса, оғир жиноятга етаклади.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Ж.Худойназаров терговда шахсига аниқлик киритиш имкони бўлмаган “Аъзам” исмли шахс билан кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини Хоразм вилоятининг Тўрткўл туманига олиб бориш ва кейинчалик бошқа шахсларга ўтказишни режалаштиради. Албатта, бу текинга эмас, балки бир кило “героин” гиёҳвандлик моддасини 1500 АҚШ доллари эвазига манзилга етказишга рози бўлади.

Хуфя режага асосан, 15 сентябрь куни у гиёҳвандлик воситасини Ургут туманидаги яшаш хонадонига олиб келиб, яшириб қўяди. Эртаси куни эса, ўзининг бошқарувидаги “Gentra” русумли автомашина юкхонасига яшириб, Хоразм томон йўл олади.

Аммо йўлда унинг гиёҳвандликка ружу қўйгани панд беради, аниқроғи, у чидолмай гиёҳванд моддадан истеъмол қилади ва табиийки, оғу таъсирига тушади. Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбир чоғида у қочишга уринади ва оқибатда “Дамас” автомашинаси билан тўқнашиб кетади. Унинг автомашинасидан ашёвий далил сифатида олинган "героин" гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги 981,47 граммни ташкил қилади.

Дастлабки тергов жараёнида у қилмишидан пушаймон эканини билдириб, ариза билан мурожаат қилади ва Самарқанд шаҳридаги хонадонида ҳам гиёҳвандлик воситаларини сақлаб келаётганига иқрор бўлади. Ҳақиқатан ҳам, унинг хонадони кўздан кечирилганда, соф оғирлиги 1,9 грамм “опий” ва 0,5 грамм “марихуана” топилди.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали хулосасига кўра, М.Худойназаров гиёҳвандлик дардига чалинган ва у мажбурий даволанишга муҳтож.

Бу ҳолат ўз навбатида, гиёҳвандликнинг икки томонлама фожиали оқибатини кўрсатади.

Яъни, биринчидан, судланувчи оғу таъсирида жиноят содир этди. Иккинчидан, унинг ўзи ҳам даволанишга муҳтож ҳолатга тушган. Бошқача айтганда, гиёҳвандлик воситаси инсонни фақат жиноий қилмишга етакламай, балки уни иродаси заиф кимсага ҳам айлантириб қўйган.

Судланувчининг қарамоғида кекса ота-онаси, турмуш ўртоғи ва бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ўқувчини ўйлантириши табиий. Чунки гиёҳвандлик ва унга боғлиқ жиноятлар фақат судланувчининг шахсий муаммоси эмас, балки бу иллатнинг оқибати оиласига ҳам оғир юк бўлиб тушади.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Шу маънода, дастлабки тергов органи томонидан Ж.Худойназаровнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 273-моддаси 2-қисми ҳамда 273-моддаси 5-қисми билан малакаланди.

Судда эса, иш ҳолатлари батафсил таҳлил қилинди: ажал оғуси манзилга етказилиши режалаштирилган бўлса-да, судланувчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноий ҳаракатини охирига етказа олмаган. Шу сабабли суд унинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмидан ушбу кодекснинг 25, 273-моддаси 5-қисмига, яъни жиноят содир этишга суиқасд сифатида қайта малакалади.

Суд ҳайъати Конституциямиз ва амалдаги қонунлар талабларидан келиб чиқиб, судланувчига нисбатан қилмишига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинлади. У 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шунингдек, судланувчига Жиноят кодексининг 96-моддасига кўра, жазони ўташ давомида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чоралари белгиланди.

Биз юқорида гиёҳвандлик иллатининг бир инсон ҳаётида қолдирган аянчли излари ҳақида баён қилдик. Зотан, бу иллат соғлом турмуш тарзини пароканда қилиши билан ўта хавфлидир. Демак, бу иллатга қарши кураш, соғлом турмуш тарзи, оилалар тинчлик-хотиржамлигини асраб-авайлаш ҳар биримиз учун масъулиятли вазифадир.

Бекзод ЖУМАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, мен судга адвокат орқали мурожаат қилсам, суд мажлисида шахсан иштирок эта оламанми?

Н. ЗОХИДОВ,
Кармана тумани

— Аввало шуни айтиш керакки, адвокат орқали иш юритиш фуқаронинг суд мажлисида шахсан иштирок этиш ҳуқуқини чекламайди.

Аниқроқ айтганда, Иқтисодий процессуал кодекснинг 61-моддасига кўра, фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ва (ёки) вакиллари орқали юритишга ҳақли. Яъни фуқаро ўз манфаатларини судда мустақил равишда ҳимоя қилиши, ишни адвокатига топшириши ёки ушбу икки имкониятдан биргаликда фойдаланиши мумкин. Шунингдек, кодексда фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши унинг иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги ҳам алоҳида белгиланган.

Шу сабабли фуқаро судга адвокат орқали мурожаат қилган бўлса ҳам, суд мажлисида ўзи ҳам иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда фуқаро ва унинг адвокати суд жараёнида биргаликда иштирок этади: фуқаро иш бўйича ўз нуқтаи назарини билдириши, саволларга жавоб бериши, тушунтиришлар бериши мумкин, адвокат эса, унга профессионал ҳуқуқий ёрдам кўрсатади ва вакил сифатида процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

Албатта, бунда вакилнинг суддаги ваколатлари тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Вакилга берилган айрим муҳим ваколатлар, масалан, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиш, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш каби ҳаракатлар учун махсус ваколат назарда тутилиши талаб этилади.

— Мени судга жавобгар сифатида чақиришди. Айтинг-чи, агар суд мажлисига бормасам, бу қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

Н. ЗОХИДОВ,
Кармана тумани

— Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса, низо унинг иштирокисиз ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бунда суд ишдаги мавжуд далиллар асосида низони кўриб, тегишли суд ҳужжатини қабул қилади.

Шунинг учун “судга бормасам, иш ёпилади” ёки “қутулиб қоламан” деган фикр нотўғри. Аксинча, судга келмаслик сизнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларингизни ҳимоя қилиш, даъвогарнинг талабларига эътироз билдириш ва кейинчалик иш бўйича ўз нуқтаи назарингизни судга тушунтириш имкониятидан фойдаланмаслигингизга олиб келади, холос.

Агар судга кела олмаслигингизга узрли сабаб бўлса, бу ҳақда судни олдиндан хабардор қилиш ва зарур бўлса, суд мажлисини кейинга қолдиришни сўрашингиз мумкин. Иқтисодий процессуал кодексида айрим ҳолларда суд ишда иштирок этувчи шахснинг келмаганлиги сабабли ишни кейинга қолдириши мумкинлиги назарда тутилган.

— Агар мен суд буйруғидан норози бўлсам, қандай йўл тутишим керак? Бу ҳақда қонунда қандай меъёрлар белгиланган?

Н. ЗОХИДОВ,
Кармана тумани

— Иқтисодий процессуал кодексининг 142-моддасига кўра, қарздор суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан 10 кун ичида суд буйруғи берилишига нисбатан эътироз билдиришга ҳақли.

Агар қарздор белгиланган 10 кунлик муддат ичида судга эътироз билдирса, суд буйруғи бекор қилинади. Шунингдек, суд буйруғи берилгандан кейин унга нисбатан эътироз билдириш учун асослар вужудга келган тақдирда ҳам, қарздор қонунда белгиланган муддат доирасида ўз эътирозини билдириш ҳуқуқига эга.

Бунда муҳим жиҳат шундаки, суд буйруғининг бекор қилиниши қарздорнинг мажбурияти ёки қарздорлиги бекор бўлганлигини англатмайди. Яъни суд буйруғи бекор қилингани билан қарздор асосий мажбуриятдан озод бўлиб қолмайди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 147-моддасига мувофиқ, суд буйруғи бекор қилинганидан кейин талабгор ушбу талаб билан даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда низо умумий даъво тартибида кўриб чиқилади ва тарафларнинг важлари, далиллари ҳамда эътирозларига ҳуқуқий баҳо берилиб, иш мазмунан ҳал қилинади.

Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси Алибек ҲАЙИТБОЕВ жавоб берди.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 2920
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 21^{50}.